

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАНСУРОВА НАРГИЗА ШАМСИДИНОВНА

**МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА
СОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Мансурова Наргиза Шамсидиновна

Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг
ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш5

Мансурова Наргиза Шамсидиновна

Совершенствование социально-экономического
механизма государственного регулирования рынка труда27

Mansurova Nargiza Shamsidinovna

Improvement of the socio-economic mechanism of state regulation of the
labor market.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАНСУРОВА НАРГИЗА ШАМСИДИНОВНА

**МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА
СОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Iqt25 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Самарканд давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (info@reu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим портали (www.ziyouet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Арабов Нурали Уралович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Зокирова Нодира Каландаровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аманов Отабек Аманкулович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳридаги филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.22/30.12.2019.1.100.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «03» 07 кунли соат 1000 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3-уй. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; e-mail: info@reu.uz.

Диссертация иши билан Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳридаги филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод кўчаси, 3-уй. Тел.: (99871) 262-43-50;

Диссертация автореферати 2021 йил «21» 06 кунли тарқатилди.
(2021 йил «21» 06 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
К.Х. Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори

[Signature]
З.Г. Шакарлов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

[Signature]
З.Я. Худайбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, айниқса, коронавирус пандемияси шароитида янада долзарбланишмоқда. Шу билан бирга, пандемия даврида «Буюк ёпилиш» атамаси билан кириб келган иқтисодий ҳолат халқаро хўжалик алоқаларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 2020 йил 1 чорак якуни бўйича эълон қилган мониторинг натижаларига кўра, “апрель ойининг бошига келиб, Covid-19 пандемияси таъсири глобал миқёсда 2,7 млрд. иш ўринларининг тўлиқ ёки қисман ёпилишига олиб келди, бу эса, жаҳондаги иш билан банд аҳолининг 81%ига таъсир қилган”¹. Шу жиҳатдан бугунги кунда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатаётган омиллар ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда. Бу борада меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, ишчи кучи мобиллиги ва рақобатбардошлигини ошириш, ишсизликни камайтириш, меҳнат бозорида ҳудудий ахборот тизимларини яратиш ва иш билан бандликнинг мослашувчан шакллари такомиллаштириш, меҳнат бозорини тартибга солиш самарадорлигини ошириш йўналишларидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикада меҳнат бозорига кириб келаётган меҳнат ресурсларини, шу жумладан, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, меҳнат бозори талабларига мослаштириш, ишчи кучига талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади»². Ушбу вазифаларни ҳал этишда меҳнат бозори давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситаларини такомиллаштириш, аҳоли иш билан бандлиги даражасини ошириш, иш билан бандликнинг замонавий шакллари жорий этиш, инновацион иш билан бандликни ривожлантириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат

¹ <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-52247631>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisi>

органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш, иш билан бандлик, ишсизлик каби муаммоларни фундаментал тадқиқ этишга хорижлик ва мамлакатимиз етакчи иқтисодчи олимларининг қатор илмий ишлари бағишланган. Меҳнат бозори ва иш билан бандликнинг институционал жиҳатлари ва ечимлари классик назария вакиллари ва бошқа бир қатор хорижлик олимлар³, жумладан, А.Смит, Д.Риккардо, Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, А.Пигу, Ф.Хайек, М.Фридмен ва бошқаларнинг ишларида чуқур тадқиқ этилган.

Меҳнат бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши, уни тартибга солиш каби масалалар борасида МДХ мамлакатлари олимларидан⁴: Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, В.Н.Бобков, В.С.Буланов, Б.Д.Бреев, В.Е.Гимпельсона, Р.И.Капелюшникова, О.В.Вередюк, Р.П.Колосова, Т.О.Разумова, В.А.Гневашева, Б.Л.Татибеков, Л.И.Алонкина ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда миллий меҳнат бозорини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, уни тартибга солиш муаммоларини ўрганиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизлик муаммоларини ҳал этиш масалаларига ўзбекистонлик олимлардан⁵ Р.А.Убайдуллаева,

³ Смит А. Трактат о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. В.С. Афанасьева. - М.: Эксмо, 2007. - 960 с.; Риккардо Д. Начало политической экономики, и податного обложения./ Пер. с англ. Под. ред. П.Н.Клюкина. - М.: Эксмо, 2007. - 960 с; Keynes J.M. The general theory of employment, interest, and money. - Springer, 2018. - 404 p.; Маршалл А. Основы экономической науки. / Пер. с англ. - М.: Эксмо, 2007. - 832 с.; Pigou A.C. Theory of unemployment. - Routledge, 2013. - 348 p.; Hayek F.A. The constitution of liberty: The definitive edition. - Routledge, 2013. - Т. 17. - 596 p.; Фридмен М. Если бы деньги заговорили: пер. с англ. - М.: Дело, 2002. - 158 с.

⁴ Экономика труда: учебник и практикум для вузов / Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко. - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва: Издательство "Юрайт", 2020. - 387 с.; Бобков В.Н., Бреев Б.Д., Буланов В.С. и др. Рынок труда: учебник для вузов. -М.: Экзамен, 2003.; Мобильность и стабильность на российском рынке труда / Под ред. В.Е.Гимпельсона, Р.И.Капелюшникова. - М.: Высшая школа экономики (ГУ ВШЭ), 2017. - 536 с.; Бобков В.Н., Вередюк О.В., Колосова Р.П., Разумова Т.О. Занятость и социальная прекарнизация в России: введение в анализ. - М.: ТЭИС. 2014. - 96 с.; Татибеков Б.Л. Регулирование рынка труда и занятости человеческих ресурсов Казахстана в условиях глобализации (теория, методология, механизмы реализации). Автореферат дис. док. экон. наук. - Алматы: Институт экономики Минобразования и науки Респ.Каз. 2007. - С.42.; Гневашева В.А. Управление занятостью: учебное пособие. - М.: 2011. - 168 с.; Алонкина Л.И. Государственное регулирование рынка труда в контексте обеспечения экономической безопасности России: дисс. д-ра экон. наук: 08.00.05. 2008. - 370 с.

⁵ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри.-Т.: "FAN", 2019. - 592 б.; Abdurakhmanov K.H. Zokirova N.K., Islamov B., Hiwatari M. Systemic

Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзаков, Б.А. Исламов, З.Я.Худойбердиев, Н.Қ.Зокирова, Н.Х.Рахимова, Ш.Д.Кудбиев, Ш.Х.Назаров, Н.У.Арабов, Р.Р. Хасанов, Г.Қ.Абдурахмонова, Б.Ш. Махкамов, Х.Х. Мамадалиева, Д.А.Насимов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида мамлакатимизда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш борасида услубий ва концептуал ёндашувларнинг етарлича асосланмагани ва тизимлаштирилмагани ушбу муаммони назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» ҳамда №ПЗ-20170928644 «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган (2018-2020).

Тадқиқотнинг мақсади меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш асосида ишсизликни камайтириш ва аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меҳнат бозорини тартибга солишга доир назарий-услубий ёндашувларнинг таҳлилин аналга ошириш ва «меҳнат бозорини тартибга солиш» тушунчасига нисбатан муаллифлик қарашларини шакллантириш ҳамда тартибга солиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва воситаларини аниқлаш;

меҳнат бозорини тартибга солишнинг хориж тажрибасини тадқиқ этиш ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

худудий меҳнат бозори ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш;

худудий меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини баҳолаш усулларини таснифлаш;

худудий меҳнат бозори ривожланишининг эконометрик таҳлилин аналга ошириш;

меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишга тизимли ёндашувни илмий жиҳатдан асослаш;

transformation and sustainable human development: the Case of Uzbekistan. Jakarta: Gunadarma Publisher, – 2016. – р. 230; Рахимова Н.Х. Роль и место женщины на рынке труда Узбекистана, теория и практика.–Т.: Фан, 2006.; Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳоли бандлиги. - Тошкент, 2006.; Умурзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг худудий усуллари / Монография. – Тошкент: «LESSON PRESS», 2017. – 184 б.; Худойбердиев З.Я. ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси асослари (2-нашр) Ўқув қўлланма. – Тошкент: “ILM ZIYO”, 2017. – 344 б.; Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Монография. – Тошкент: «Fan va texnologiyalar» нашриёти, 2017. – 336 б.

меҳнат бозорида инновацион иш билан бандликни тартибга солишнинг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш;

меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти меҳнат бозори олинган.

Тадқиқотнинг предмети меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишда юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, эконометрик таҳлил ва гуруҳлаш, прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳнатга талабни рағбатлантириш ҳамда иш кучи таклифини реструктуризациялашга йўналтирилган меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари таъсир этиш услуби, чора-тадбирлар тавсифи, объекти, йўналишлари ҳамда таъсир этиш характери ва даражаси асосида такомиллаштирилган;

давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятини баҳолаш методикаси меҳнат воситачилиги, иш кучининг касбий мослашуви ва касбга тайёрлаш, ижтимоий кафолатлар ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилган;

иқтисодий тизимнинг турли даражаларида иш кучи касбий даражасини ошириш ҳамда мослашувчан иш билан бандлик шаклларини жорий этишнинг инновацион ривожланиш стратегияси меҳнат бозорида иш билан бандликнинг замонавий шаклларини тартибга солиш модели асосида такомиллаштирилган;

ҳудудий меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ва аҳоли иш билан бандлиги даражасини кичик бизнес субъектлари ривожини эътиборга олган ҳолда 2021-2025 йилларда ривожлантиришнинг прогноз параметрлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

меҳнат бозори фаолият кўрсатишининг энг муҳим мезони сифатида уни давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунига оид муаллифлик ёндашуви асосланган;

меҳнат бозорини тизимли тартибга солиш, уни ташкил этувчи элементлар ва унинг таркибий қисимлари ўзаро боғлиқлиги, элементларнинг функциялари ҳамда меҳнат бозорини тизим сифатида ривожлантирувчи омиллари таснифланган;

меҳнат бозорини ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан тизимли-элементли, тизимли-таркибий, тизимли-функционал, тизимли-коммуникацион ёндашувлар асосида тартибга солиш механизмлари услубий жиҳатдан такомиллаштирилган;

меҳнат бозорида ҳам ташқи омиллар таъсирини, ҳам ички омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда иш билан бандлик сиёсатининг устувор

йўналишлари ва муҳим мақсадларини аниқлашни ўз ичига олувчи истиқболда ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан меҳнат бозорини тартибга солиш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, иш ўринларини ташкил қилиш ва иш билан бандлик хизмати фаолиятини ривожлантириш йўналишларида илмий аппаратни бойитишда фойдаланиши билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти тадқиқотдаги таклиф ва тавсиялардан иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш, мутахассислар, ишчи кучига талаб ва таклиф мослашувчанлигини мувофиқлаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан, шунингдек, «Меҳнат иқтисодиёти», «Меҳнат бозори иқтисодиёти», «Кадрлар менежменти» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

меҳнатга талабни рағбатлантириш ҳамда иш кучи таклифини реструктуризациялашга йўналтирилган меҳнат бозорини тартибга солиш усулларини таъсир этиш услуби, чора-тадбирлар тавсифи, объекти, йўналишлари ҳамда таъсир этиш характери ва даражаси асосида таснифи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришни ташкил қилиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 01/00-04/07-5309-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш ҳудудий Бандлик Бош бошқармалари фаолиятини ривожлантириш стратегиялари ҳамда меҳнат бозорини тартибга солиш йўналишлари ва мақсадлари бўйича тадбирларни ишлаб чиқишнинг илмий асосланганлик даражасини оширди;

давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятини баҳолаш методикасини меҳнат воситачилиги, иш кучининг касбий мослашуви ва касбга тайёрлаш, ижтимоий кафолатлар ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш кўрсаткичлари асосида такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳудудий ривожланишнинг динамик самарадорлигини аниқлашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 01/00-04/07-5309-сон маълумотномаси). Ушбу методиканинг амалиётга жорий этилиши натижасида

худудий Бандлик Бош бошқармалари фаолияти ривожланишининг динамик самарадорлигини интеграл баҳолаш натижасида умумий самарадорлик кўрсаткичининг 0,6 фоизга ошиши имконини берган;

иқтисодий тизимнинг турли даражаларида иш кучи касбий даражасини ошириш ва ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда мослашувчан иш билан бандлик шакллари жорий этишнинг инновацион ривожланиш стратегиясини меҳнат бозорида иш билан бандликнинг замонавий шакллари тартибга солиш модели асосида такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан худудларда аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 01/00-04/07-5309-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш меҳнат бозорида иш билан бандликнинг замонавий шакллари тартибга солишга йўналтирилган меҳнат бозори ва иш билан бандликнинг мослашувчанлигини таъминлаш механизмининг такомиллаштириш имконини берган;

Самарқанд вилояти худудий меҳнат бозорини 2021-2025 йилларда ривожлантириш бўйича прогноз кўрсаткичларидан “Худудий меҳнат бозорларини 2021-2025 йилларда ривожлантириш концепциялари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 01/00-04/07-5309-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялардан фойдаланиш 2021-2025 йилларда худудий меҳнат бозорини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Самарқанд вилоятида аҳолининг иш билан бандлиги даражасини 75,3%га ва кичик тадбиркорликда бандлар улушининг 18,0%га ошиши имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 11 та ва нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 9 та маъруза тезислари chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва мазмунини тавсифловчи илмий ёндашувларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш категориясининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва инқирозли шароитларда меҳнат бозорини тартибга солиш тамойиллари таснифланган ҳамда меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари ва воситалари таснифланган. Шунингдек, ҳудудий меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини баҳолаш усуллари таснифи ишлаб чиқилган ҳамда меҳнат бозорини тартибга солишнинг хориж тажрибаси илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ва улардан республикамизда фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида аҳолини иш билан бандлиги даражасини ошириш билан боғлиқ масалалар меҳнат бозориди ҳам, давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аҳолини иш билан таъминлаш нафақат ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асоси, балки ишлаб чиқаришнинг элементи, аҳоли турмуш даражасининг ошиши ҳамда инсон капитали ривожланишининг шарт-шароити ҳисобланади. Давлатнинг меҳнат бозорини тартибга солишдан кўзланган мақсад иш кучига бўлган эҳтиёжни кўчайтириш ва иш кучи самарали таклифини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишдан иборатдир.

Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш – бу давлатнинг аҳоли иш билан бандлиги даражасини ошириш ва ишсизликдан ижтимоий ҳимоялашнинг турли хил ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий шакллари ва усулларидан фойдаланишни ўз ичига олувчи, меҳнат бозори субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни таъминлайдиган ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ объектив тавсифга эга фаолиятдир.

Меҳнат бозорини бошқаришнинг функцияси сифатида иш билан бандлик ва меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш жараёни долзарб ҳисобланади. Шунга кўра, бошқариш жараёнининг турли даражаларида бундай тартибга солишнинг асосий тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқишга янги ёндашувлар зарур бўлмоқда. Меҳнат бозорини тартибга солиш, бир томондан, унинг барқарор ривожланиши давридаги ва иккинчи томондан, ижтимоий-

иқтисодий беқарорлиги шароитидаги мувофиқ тамойиллари бўйича бир-бирдан ажратилиши зарур. Шунга кўра, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши шароитларига мос меҳнат бозорини тартибга солишнинг илмийлик, тизимлилик, интегративлик, тежамкорлик, кўп субъективлилик, тартибга солишнинг давлат ва бозор механизмлари мувофиқлигини таъминлаш тамойиллари ва иқтисодиётнинг беқарор шароитларига мос меҳнат бозорини тартибга солишнинг контрциклик, инқирозга қарши чора-тадбирлар пакети ва тартибга солиш стратегияси, иш билан бандлик мослашувчанлигини рағбатлантириш, тартибга солишнинг бевосита чоралари устуворлиги, селективлик, оптимал тартибга солиш, уни дастлабки баҳолаш тамойиллари таснифланди.

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш унинг субъектлари томонидан тартибга солиш шакллари, усуллари ва воситалари асосида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида динамик мувозанатга эришиш, муносиб меҳнат стандартларини ўрнатиш, тўлиқ ва самарали иш билан бандлик ҳамда меҳнат бозори самарали ривожланишини таъминлаш муҳим мақсад ҳисобланади. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари гуруҳи бўйича умумий таснифи ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

Меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари таснифи⁶

Тасниф белгилари	Меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари гуруҳи
Тартибга солиш чора-тадбирлари	Ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, маъмурий, ижтимоий-психологик (тарбиявий), ахборот.
Таъсир этиш услубига кўра	Тўғридан-тўғри (тартибга солишнинг қонунчилик асослари), билвосита (иқтисодий чора-тадбирлар).
Чора-тадбирлар тавсифига кўра	Умумий ва махсус
Таъсир этиш объектига кўра	Жами иқтисодий фаол аҳоли, аҳолининг алоҳида гуруҳлари, мувофиқ шарт-шароитларга мос иш жойларини шакллантириш, меҳнат бозорида ишчи кучи баҳосини белгилаш механизми, шартномалар.
Молиялаштириш манбаларига кўра	Давлат бюджети, хусусий сектор маблағлари, давлат-хусусий шерикчилиги комбинацияси.
Таъсир этиш йўналишларига кўра	Ишчи кучига талаб ва таклиф миқдорига таъсир этувчи чоралар, ишчи кучига талаб ва таклиф таркибига таъсир этувчи чоралар, ишчи кучига талаб ва таклиф мувозанатига эришишга йўналтирилган чоралар, муносиб меҳнат параметраларини такомиллаштиришга йўналтирилган чоралар.
Таъсир этиш характерига кўра	Рағбатлантирувчи, чекловчи, ҳимояловчи чора-тадбирлар.
Таъсир этиш даврига кўра	Узоқ муддатли, қисқа муддатли чора-тадбирлар.
Таъсир этиш даражасига кўра	Халқаро, миллий, ҳудудий, фирма доирасидаги чора-тадбирлар.
Оппортунистик хулқ-атворга таъсир кўрсатиш бўйича	Кучайиш, олдини олиш, нейтрал.

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тартибга солиш воситалари таҳлил этилаётган механизмнинг энг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Тартибга солиш воситалари деганда, давлат меҳнат бозорини тартибга солишда фойдаланиладиган иқтисодий тизим элементлари ёки элементлар мажмуаси тушунилади. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш воситаларининг ҳуқуқий ва ахборот таъминоти, иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий-психологик воситалар ҳамда ижтимоий кафолатларни таъминлаш йўналишлари бўйича таснифи ишлаб чиқилди.

Меҳнат бозорида давлат сиёсатининг мақсадлари қуйидагиларга эришишни назарда тутди: ишлаб чиқариш омиллари бирлашишини таъминлаш, ишчи кучининг зарурий сифат даражасига эришиш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида янги иш ўринларини яратиш; иш қидирувчиларни иш жойлари билан таъминлаш ва иш жойларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан самарадорлигини ошириш. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш умумдавлат, ҳудудий ва маҳаллий даражаларда амалга оширилади (2-жадвал).

Иш билан бандлик соҳасидаги фаолиятнинг асосий йўналишларини баҳолаш кўрсаткичлари меҳнат бозорида амалга ошириладиган сиёсатнинг объектив натижаси ҳисобланади. Уларга: меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича чоралар ва ишсизларни иш билан таъминлаш, махсус чоралар, меҳнат бозорига мослашув ҳамда иш билан бандликка кўмаклашиш чоралари ва дастурлари, фаол иш билан бандлик тадбирлари, рўйхатдан ўтган ишсизларга ижтимоий кафолатлар, иш билан бандликка кўмаклашиш дастурларида кўрсатилган тадбирларни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш кабилар тегишлидир.

Давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг комплекс кўрсаткичлари тизими меҳнат воситачилиги, иш билан бандликнинг махсус дастурлари, фаол иш билан бандлик сиёсати чоратадбирлари, ижтимоий кафолатлар ҳамда иш билан бандлик хизматининг молиявий кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилди.

Ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари фаолияти самарадорлиги иш билан бандликка кўмаклашиш дастурларининг асосий йўналишлари билан мувофиқликда аниқланади. Бу йўналишлар иш билан бандлик сиёсати тадбирларини ўтказиш натижаларини ишлаб чиқиш, баҳолаш ва амалга ошириш учун мезонлар сифатида намоён бўлади. Улар ўзининг умумий ва махсус кўрсаткичларига эга.

Меҳнат бозорида иш билан бандликни таъминлаш бўйича фаолиятнинг асосий йўналишлари меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат воситачилиги ва ишсизларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, меҳнат бозорига мослашиш ва иш билан бандликни таъминлаш лойиҳалари ва дастурлари ҳамда махсус чорлари, фаол иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш бўйича чоралари, рўйхатга олинган ишсизлар учун ижтимоий кафолатлар ҳамда иш билан бандлик сиёсати чораларини ўтказиш ва уни молиявий-ташкилий таъминлаш йўналишларини тавсифловчи хусусий кўрсаткичлар таснифини шакллантириш орқали алоҳида блоклар бўйича гуруҳларга ажратилди.

Меҳнат бозорида давлат иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш даражалари бўйича омиллари таснифи⁷

Даражаси	Соҳаси	
	Иқтисодийнинг давлат сектори	Хусусий сектор
Макро	<p>1. Миллий меҳнат бозори шаклланишининг меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш механизмларини жорий этиш.</p> <p>2. Меҳнат муносабатларини бошқариш доираси ва ишга ёллаш соҳасида иш берувчилар ҳамда ёлланма ишчилар ҳуқуқларини аниқлаш.</p> <p>3. Ишчи кучига талабни оширишга йўналтирилган имтиёзли солиқ ва кредитлаш тизимини ўрнатиш.</p> <p>4. Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг умумдавлат тадбирларини амалга ошириш.</p>	<p>1. Корхоналарда фойданинг солиққа тортилмайдиган миқдорида мақбул даражада рентабеллик минимумини ўрнатиш.</p> <p>2. Фаолиятини энди ташкил этган корхоналарга солиқ имтиёзлари бериш.</p> <p>3. Иш жойларини яратишда фойда (даромад) солиғи бўйича имтиёзлар бериш.</p> <p>4. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.</p> <p>5. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш.</p>
Мезо	<p>1. Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, таълим олиш ва ишчиларни танлаш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш.</p> <p>2. Худуд корхоналарида ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашга қўмаклашиш.</p> <p>3. Янги иш жойларини яратиш асосида корхоналарда маҳсулот сотилишини кафолатлаш.</p>	<p>1. Худуд инвестицион жозибadorлигини ошириш.</p> <p>2. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ҳудудий жамғарма яратиш.</p> <p>3. Яратилган иш жойлари ҳамда мавжудларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан нуфузини ошириш.</p>
Микро	<p>1. Корхоналарда ишчи-ходимларнинг моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш.</p> <p>2. Иш билан бандлик ва иш ҳақининг мослашувчанлигини таъминлаш.</p> <p>3. Меҳнатнинг мазмундорлигини ошириш ва меҳнат шароитларини яратиш.</p> <p>4. Корхоналарда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш.</p> <p>5. Корхоналарда кадрларни бошқариш ва уларнинг салоҳиятини ошириш тизимини такомиллаштириш.</p>	<p>1. Ишчи ходимларни ижтимоий кафолатлаш ва уларни меҳнат фаолиятига кўнктириш.</p> <p>2. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси.</p> <p>3. Ишчи кучини такрор барпо қилишни ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш.</p> <p>4. Кадрларнинг инновацион фаоллигини ошириш бўйича командаларни шакллантириш.</p> <p>5. Меҳнатнинг мазмундорлигини ошириш.</p>

Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг ташкилий тузилмаси сифатида иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари ва кўрсаткичлари учта шартли гуруҳни (биринчиси –

⁷Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мақсадга эришишни тавсифлайди, иккинчиси – шаклланиш сифатини ошириш, учинчиси – иш самарадорлигини ифодалайди) ўзида бирлаштиришни назарда тутди.

Хорижий мамлакатларда меҳнат бозорини тартибга солишнинг ижтимоий ва иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш натижасида республикамизда иш билан бандлик даражасини ошириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди: меҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мослашувчанлиги; меҳнат бозорининг институционал ривожланишини таъминлаш; кадрлар тайёрлаш тизими ва таълим муассасаларида ислохотларни иқтисодиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда давом эттириш; фаол дастурларга йўналтирилган маблағлар улушининг ошиши; ишсизларни янги иш ўринларини излашга ундаш; давлат иш билан бандлик хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш.

Диссертация ишининг **«Самарқанд вилояти меҳнат бозорининг ривожланиш ҳолати ва тенденциялари»** деб номланган иккинчи бобида вилоят меҳнат бозори ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилиб, давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари асосида уларни интеграл баҳолаш методикаси такомиллаштирилган ҳамда ҳудудий меҳнат бозорида аҳоли иш билан бандлиги даражасини оширишнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган.

Давлатнинг меҳнат бозоридаги сиёсати пассив ва фаол йўналишларда амалга оширилади. Ушбу сиёсат давлат иш билан бандлик хизматининг ижтимоий функциялари сифатида ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозорини тартибга солишдаги иқтисодий функциялари сифатида иш билан бандлик даражасини оширишни назарда тутди. Бу функциялар меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг икки томонлама моҳиятини аниқлаб беради ҳамда ишсизликни камайтириш ва иш билан бандлик муаммоларини бартараф қилишнинг турли хил вариантларини ишлаб чиқади.

Республикамизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида иш билан бандлик сиёсатининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқишда иш билан бандликнинг замонавий ва мослашувчан шакллари кенгайтиришни ҳисобга олиш керак. Чунки рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитлари билан боғлиқ иш билан бандлик соҳасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу, бир томондан, замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассисларга талабнинг мунтазам ошиб бораётганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, ходимларнинг меҳнат шароитларида ҳам туб ўзгаришларни юзага келтирмоқда.

Республикамизда демографик омилнинг ўзгариб бориши макродаражадаги муаммо бўлиб, у кўп жиҳатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди. Шунингдек, Самарқанд вилояти аҳолиси сонининг республикамиз бошқа вилоятларига нисбатан юқори эканлиги ҳудудда демографик вазиятнинг мураккаблигини кўрсатмоқда.

Самарқанд вилоятида доимий аҳоли сони 2019 йилга келиб, 3838,4 минг кишига, яъни 2001 йилга нисбатан 40,6%га ошган. 2001-2019 йилларда меҳнат ресурслари сони 58,4 %га ўсган. Вилоятда иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан бандлар сони, мос равишда, 70,6 ва 55,6 %га ўсган. Иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандларга нисбатан юқори суръатларда ўсишини ишсизлар сонининг

ошиши, яъни ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонининг таҳлил этилаётган йиллар оралиғида кескин ошиши (33,7 марта) билан изоҳлаш мумкин (3-жадвал).

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлардаги ўртача даражага нисбатан юқоридир. Ўзбекистонда 2019 йилда Европа Реконструкция ва Тараққиёт Банки томонидан ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, эркаклар ва аёллар ўртасидаги иқтисодий фаоллик даражаси бўйича нисбат: меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёллар 33,1%ни, эркаклар 73,9%ни ташкил этган.⁸

3-жадвал

Самарқанд вилоятида меҳнат ресурслари ва унинг таркиби тўғрисида маълумот⁹ (минг киши)

Кўрсаткичлар	2001 й.	2005 й.	2010 й.	2017 й.	2019 й.	2019 йилни 2001 йилга нисбатан ўсиши, %
Доимий аҳоли сони	2729,9	2887,4	3194,9	3651,7	3838,4	140,6
Меҳнат ресурслари	1341,1	1531,6	1815,7	2081,0	2124,8	158,4
Иқтисодий фаол аҳоли	940,5	1051,9	1308,3	1629,8	1604,2	170,6
Бандлар – жами:	936,1	1050,1	1229,9	1523,1	1455,5	155,6
Давлат секторида	200,6	201,6	212,5	213,8	501,3	2,5 марта
Нодавлат секторда	735,5	848,5	1017,4	1309,3	954,4	129,7
Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сони	4,4	1,8	78,4	88,9	148,4	33,7 марта
Иқтисодий нофаол аҳоли	400,6	479,7	507,4	451,2	520,6	129,9

Самарқанд вилоятида жорий меҳнат бозори ҳолати таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, шаҳар ва туманлар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан аҳолини иш билан таъминлаш дастурининг реализация қилиниши фаол иш билан бандлик сиёсати доираларини қамраб олиши зарур.

Вилоятда шаҳар ва туманлар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари (БКМлари)га мурожаат қилганлар сони 2010 йилда 78,4 минг кишини, 2019 йилда эса, 58,5 минг кишини ташкил этган. БКМларга иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлашганлар ҳиссаси 2010 йилда 98,7%ни, 2019 йилда эса 55,6%ни ташкил этган. Ушбу ҳолатда шаҳар ва туманлар БКМлари орқали ишга жойлашганлар ҳиссасининг иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан пасайиши тенденцияси кузатилган. Бунинг асосий сабаби: бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларнинг етишмаслиги, мавжуд бўш иш ўринларини қаноатлантириш даражасининг пастлиги каби омиллар ҳисобланади. Шунга мос равишда вилоятда касбга ўқитиш ва малакасини оширишга йўналтирилганлар ҳиссаси 5,3 мартага ошган. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этганлар сони 2010 йилда 3245 кишини, 2019 йилда эса, 18570 кишини ташкил этган ва мос равишда бу кўрсаткич 2010-2019 йилларда 5,7 мартага ўсган. Шаҳар ва туман БКМлари томонидан ишсизлик

⁸ Кўрсаткичларни солиштириш мақсадида меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркаклар ва аёллар учун 18-64 ёшдагиларни қамраб олди.

⁹ Муаллиф томонидан Самарқанд вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

нафақаси тайинланганлар таҳлил этилаётган йиллар оралиғида сони 4 мартага ошган. Корхоналарда мавжуд бўш иш ўринлари сони 2010-2019 йилларда 18,2 %га ошган. (4-жадвал).

4-жадвал

Самарқанд вилоятида «Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий Дастури»нинг бажарилиши¹⁰

Кўрсаткичлар	2010 й.	2012 й.	2015 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 йилни 2010 йилга нисбатан ўсиши, %
БКМга иш сўраб мурожаат қилганлар, минг киши	78,4	74,6	38,5	27,9	52,9	58,5	74,6
БКМлар йўлланмаси билан ишга жойлашганлар, минг киши	77,4	73,5	37,7	25,3	26,6	32,5	42,9
Касбга ўқитиш ва малакасини оширишга йўналтирилганлар, киши	652	1125	582	610	1902	3499	5,3 марта
Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилган, киши	3245	5609	1106	2223	24536	18570	5,7 марта
Ишсизлик нафақаси тайинланганлар, киши	1154	1116	105	185	266	5055	4,3 марта
Корхоналардаги мавжуд бўш иш ўринлари, бирликда	3582	2763	3783	3826	4065	4235	118,2

Давлат иш билан бандлик хизмати иш билан бандлик сиёсатини давлат томонидан амалга оширишнинг асосий таркибий қисми бўлиб, уни реализация қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятига тўлиқ баҳо бериш учун унинг самарадорлигини комплекс баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш зарур. Давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш жараёнини амалга ошириш куйидаги босқичлар кетма-кетлигидан иборатдир: давлат иш билан бандлик хизматининг фаолияти натижалари бўйича таркибий тизимлари самарадорлигининг хусусий кўрсаткичларини аниқлаш; ҳар бир хусусий кўрсаткични базис давридаги кўрсаткич билан солиштириш асосида аниқ ўзгаришларни ҳисоблаш; таркибий тизимлар самарадорлиги хусусий кўрсаткичларининг ўзгариш йўналишларини ифодаловчи математик функцияларни танлаш; таркибий тизимлар самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари аҳамиятлилигини тавсифловчи миқдорий коэффицентларни аниқлаш; давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг ривожланиш самарадорлигини интеграл баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш.

Давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таркибий қисмлари самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари бўйича

¹⁰ Муаллиф томонидан Самарқанд вилояти Бандлик Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

интеграл баҳолаш қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_i^k = Y_i \times F_i, \quad (1)$$

Бу ерда: K_i^k – интеграл баҳолаш мақсади учун ҳисобланган i чи хусусий кўрсаткич қиймати;

F_i – i чи хусусий кўрсаткичнинг миқдорий коэффиценти;

Давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи K^k қийматнинг суммаси оракли аниқланади:

$$K_{i=1}^k = \sum K_i^k, \quad (2)$$

бу ерда: n – хусусий кўрсаткичлар сони.

Давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи (K_i^k) 1-95 қиймат оралиғида бўлса, самарадорлик паст, 95-100 қиймат бўлса, самарадорлик қониқарли, 100-105 қиймат оралиғида бўлса, самарадорлик нисбатан юқори ва 105 қиймат юқори бўлса, самарадорлик юқори ҳисобланади.

5-жадвал

Самарқанд вилоятида давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигига алоҳида йўналишларнинг таъсири¹¹

№	Тизимлар	Шаклланиш самарадорлиги		
		2017 й.	2019 й.	Ўзгариш (+) ўсиш, (-) пасайиш
1	Меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат воситачилиги ва ишсизларни иш билан бандлигига кўмаклашиш кўрсаткичлари	34,1	31,2	-2,9
2	Меҳнат бозорига мослашиш ва иш билан бандликни таъминлашнинг махсус чоралари, лойиҳалари ва дастурлари кўрсаткичлари	15,6	12,8	-2,8
3	Фаол иш билан бандлик сиёсати чоратadbирлари кўрсаткичлари	15,4	16,2	+0,8
4	Рўйхатдан ўтган ишсизларга ижтимоий қафолат кўрсаткичлари	18,4	16,1	-2,3
5	Иш билан бандлик хизматини молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўрсаткичлари	22,4	24,3	+1,9
Умумий самарадорлик кўрсаткичи		105,9	100,6	-5,3

Интеграл кўрсаткичнинг умумий аҳамияти давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг динамик самарадорлигини баҳолаш асосида унинг алоҳида таркибий қисмларида содир бўладиган ўзгаришларни аниқлашга имконият яратади.

Самарқанд вилоятида давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга унинг алоҳида таркибий қисмлари йўналишлари таъсирини комплекс баҳолаш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

¹¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Самарқанд вилоятида давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг ривожланишига унинг таркибий қисмлари алоҳида тизимлари таъсирини интеграл баҳолаш натижаларига кўра, ҳудудий иш билан бандлик хизматининг 2017 йилда 105,9 ва 2019 йилда 100,6 қийматга эга бўлганлиги K^k_1 қиймат бўйича самарадорлик нисбатан юқори ҳисобланади (5-жадвал). Вилоятда таҳлил этилаётган даврлар оралиғида давлат иш билан бандлик хизмати самарадорлиги унинг барча таркибий қисмлари бўйича умумий ҳисобда ижобий ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Ҳудудий меҳнат бозорида аҳоли иш билан бандлиги даражасини оширишнинг корреляцион-регрессион таҳлил усуллари ёрдамида таҳлил қилиш асосида омиллар орасидаги боғлиқлик кучини аниқлаш ҳамда баҳолаш асосида меҳнат бозорини тартибга солиш механизмлари аниқланади. Бунда модель тузилишининг энг муҳим босқичи натижавий, башорат қилинган кўрсаткичнинг танлаб олинган омилларга боғлиқлигини тавсифловчи эконометрик ифодани танлашдан иборатдир. Моделнинг статистик танланмасига вилоятни 2005-2019 йиллардаги ривожланишининг иқтисодий ва ҳудудий меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари киритилди.

